

Ҳайдарали Юнусов,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети ЮНЕСКОнинг
“Халқаро ҳуқуқ ва инсон
ҳуқуқлар” кафедраси доценти,
юримик фанлар номзоди
yunusovkm@gmail.com

ИСЛОМ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИ: ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ИСЛАМСКОЕ МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВО: СТАНОВЛЕНИЕ, РАЗВИТИЕ И ОСОБЕННОСТИ

ISLAMIC INTERNATIONAL LAW: FORMATION, DEVELOPMENT, AND PECULIARITIES

Аннотация: Мазкур мақола ислом халқаро ҳуқуқи мавзусига бағишланган. Унда ислом халқаро ҳуқуқи учта маънода, яъни алоҳида минтақаости ҳуқуқий тизим, халқаро-ҳуқуқий таълимот ва ҳуқуқшунослик фани сифатида талқин этилади. Ислои халқаро ҳуқуқининг шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилади. Шунингдек, Ислои халқаро ҳуқуқининг таълимот сифатида шаклланишида Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг хизматлари таъкидлаб ўтилади.

Муаллифнинг ҳулосасига кўра, ислом дунёси ва тамаддуни, ислом давлатлари ва мусулмон мамлакатлари мавжуд экан, уларнинг халқаро алоқаларини юритишида ислом қадриятларини ўзида мужассам этувчи ислом халқаро ҳуқуқи ва унинг таълимоти бугун ва келажакда ҳам ўз аҳамияти сақлаб қолаверади.

Калии сўзлар: доктрина, ҳуқуқий тизим, таълимот, ислом ҳуқуқи, ислом тамаддуни, дин, диний омил, давлат, шартнома, ташиқи алоқалар, ҳуқуқий макон, халқаро муносабатлар.

Аннотация: Статъя посвящена международному исламскому праву. В данной статье международное исламское право интерпретируется с трех точек зрения: как отдельная субрегиональная правовая система, как международно-правовая доктрина и как

юридическая наука. Освещены становление, развитие и особенности международного исламского права. Подчеркивается также вклад центральноазиатских ученых в формирование доктрины исламского международного права.

По мнению автора, пока существуют исламский мир и цивилизация, исламские государства и мусульманские страны, международное исламское право как правовая практика и доктрина, воплощающая исламские ценности, сохранит свое значение в их международных отношениях сегодня и в будущем.

Ключевые слова: доктрина, правовая система, концепция, исламское право, исламская цивилизация, религия, религиозный фактор, государство, договор, международные отношения, правовое пространство, внешние сношения.

Annotation: This article is dedicated to Islamic international law. In this paper, Islamic international law is interpreted from three perspectives: as a separate subregional legal system, as an international legal doctrine and as a legal science. The formation, development and peculiarities of Islamic international law are highlighted. The contribution of Central Asian scholars in the formation of Islamic international law's doctrine is also emphasized.

According to the author, as long as the Islamic world and civilization, Islamic states and Muslim countries exist, the Islamic international law as a legal practice and doctrine, which embody Islamic values, will maintain its importance in their international relations today and in the future.

Keywords: doctrine, legal system, conception, Islamic law, Islamic civilization, religion, religious factor, state, treaty, foreign relations, legal space, international relations.

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярми халқаро ҳуқуқнинг ривожланишида янги сифат босқичини бошлаб берди. Бу халқаро-институционал тизимнинг такомиллашувида, норма ижодкорлик жараёнидаги туб ўзгаришларда, халқаро ҳуқуқ манбалари тизимининг кенгайишида, халқаро ҳуқуқ субъектлари сонининг ошишида яққол акс этди. Фан-техника соҳасидаги мисли кўрилмаган ютуқлар, учувчи ва сузувчи курилмаларнинг янги авлоди, йирик иншоотлар ва қудратли интеллектуал салоҳиятга эга микросхемаларнинг пайдо бўлиши халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизимини мураккаблаштирди. Халқаро ҳуқуқнинг янги объектлари вужудга келди.

Асримиз бошидаги глобаллашувнинг янги тўлкини барча соҳаларда бўлгани каби халқаро ҳуқуқ истиқболига таъсир этувчи омиллар қамровини кенгайтирди. Халқаро ҳуқуқнинг универсаллашуви, яъни умумбашарий кўлам касб этиш жараёни янада кучайди. Эндиликда халқаро ҳуқуқ нормалари оддий индивидларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баробарида уларнинг кундалик ҳаётига тобора чуқурроқ таъсир кўсатмоқда. Индивид халқаро ҳуқуқ субъектига айланди, дейиш учун барча асослар етилиб келмоқда.

Халқаро ҳуқуқ ўз номи билан халқаро ҳуқуқ экан, у умуминсоний қадриятлар ва кенг кўламли амалиётни ўзида тимсол қилиши лозим. Ва, албатта, у бугун ёки кеча пайдо бўлмаган, балки кўп асрлик умумбашарий амалиётни мужассам қилади. Ислом ҳуқуқи ва унинг асосида тартибга солинган халқаро-ҳуқуқий амалиёт ана шу умумбашарий амалиётнинг узвий қисмидир. Инсоният тарихининг у ёки бу босқичларида бўй кўрсатган бир қанча тамаддунлар келиб кетди, лекин ислом тамаддуни ҳозиргача яшаб келмоқда ҳамда умумбашарий иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатишда давом этмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислонинг гуманистик ғоялари ислом халқаро ҳуқуқи – сиярга сингдирилган. “Сияр” тушунчаси ислом миллатининг бошқа халқлар билан халқаро алоқаларига оид қоида ва усулларининг умумий мажмуидир ёки мусулмонларнинг ҳоҳ давлатлар, ҳоҳ индивидлар миқёсида бўлсин, бошқа динга эътиқод қилувчилар билан алоқаларида риоя этилиши лозим бўлган қоидаларни белгилаб берувчи ислом ҳуқуқининг алоҳида соҳасидир.

Шу ўринда, эслатиб ўтиш жоизки, ислом халқаро ҳуқуқини уч хил маънода тушуниш лозим.

Биринчидан, ислом халқаро ҳуқуқи бу – XX асрга келиб тўлиқ шаклланган ва бугунги кунда самарали амал қилиб келаётган универсал халқаро ҳуқуқдан бир неча юз йилликлар олдин, VIII-X асрларда пайдо бўлиб, қарийб минг йил давомида мусулмон давлатларининг ўзаро ва уларнинг бошқа маданиятга мансуб давлатлар ва халқлар билан алоқаларини тартибга солиб келган ҳуқуқий тизимдир. Универсал халқаро

ҳуқуқнинг шаклланиши натижасида у глобал аҳамиятини йўқотди ва бугунги кунда айрим ислом давлатлари орасида муайян соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи минтақаости ҳуқуқий тизимга айланди. Бироқ, унинг асосий тамойиллари ва қоидалари универсал халқаро ҳуқуққа сингдирилган ҳамда улар халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳануз фойдаланиб келинмоқда. Бу мусулмон давлатлари билан тузиладиган халқаро шартномаларда, одат ҳуқуқида, халқаро суд амалиётида ва бошқа шаклларда кўзга ташланиб туради.

Иккинчидан, ислом халқаро ҳуқуқи – халқаро-ҳуқуқий амалиёт тажрибаси ва ислом халқаро-ҳуқуқий доктринаси асосида шаклланган таълимотдир. Мазкур таълимот ислом халқаро ҳуқуқининг асосий мазмун-моҳияти, тамойиллари, ривожланиш қонуниятлари ва истиқболлини белгиловчи қарашларни ўзида акс эттиради. Бу таълимотнинг шаклланишида Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ҳиссаси улкан бўлган.

Учинчидан, ислом халқаро ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг алоҳида тармоғи сифатида мустақил фандир. Бу фан ҳозирги кунга қадар мусулмон давлатларининг нуфузли университетлари қошидаги ҳуқуқ факультетларида ўқитиб келинмоқда.

Шу билан бирга, ислом халқаро ҳуқуқининг ривожланишини тадқиқ этишда унга таъсир кўрсатиб келган учта омилни эътибордан қочирмаслик зарур. Улардан **биринчиси** – диний мафкура омилдир.

Маълумки, ўрта асрлар шароитида илм-фан, маданият, санъат, ёнги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалари диний-мафкуравий қобикда ривож топган. Ислом халқаро ҳуқуқ таълимоти ҳам ислом ва унинг ҳуқуқий устқурмаси бўлмиш ислом ҳуқуқи билан бир ўзанда ривожланган. Халқаро ҳуқуққа ислом ҳуқуқи ва шариат нормаларининг ички ҳуқуқий макондан янада кенгроқ майдонда ва кўламда татбиқ этилиши сифатида қаралган. Шариат нормаларининг ислом ҳуқуқининг ички маконидан ташқаридаги янги майдон (халқаро ҳуқуқ)га кўчиши “тавассуъ”, яъни “ёйилиш” техникаси орқали амалга оширилган ва тушунтирилган. Айни пайтда, диний мафкура фақат исломдагина мавжуд бўлган омил эмас.

Бутун ўрта асрлар тадрижи давомида насроний диний мафкуриси ҳам Европа давлатларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий ҳаётида етакчи роль ўйнаган. Буюк Британиянинг машҳур Оксфорд ва Кембридж университетлари диний ибодатхоналар қошида ва уларнинг ҳомийлигида ташкил этилганлиги ҳамда тараққий этгани сир эмас.

Иккинчидан, ислом ҳуқуқининг тадрижи ислом давлатчилигининг ривожланиши билан уйғунликда қаралиши лозим. Чунки, ҳар қайси замонларда ташқи сиёсат ва халқаро алоқалар ички сиёсатнинг мантикий давоми сифатида кўрилган. Ташқи сиёсат орқали халқаро муносабатларда иштирок этиш давлатчилик фаолиятининг бир йўналишидир.

Учинчидан, ислом халқаро ҳуқуқи халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар билан ҳамоҳангликда ривожланиб борди. Ўрта асрлардаги салб юришлари, сўнгги ўрта асрларда халқаро муносабатлар тизгинининг ғарбга кўчиши, янги давр саноатлашуви, XX аср охиридаги глобаллашув жараёни ва бошқа халқаро тавсифдаги омиллар ислом ҳуқуқининг, айниқса, ислом халқаро ҳуқуқининг ривожига таъсир этмай қолмаган.

Албатта, халқаро ҳуқуқ исломгача ҳам моддиян мавжуд эди. Ислом дин ва ҳуқуқ тизими сифатида шаклланган даврларда, ислом тамаддунига мувозий бўлган Ҳиндистон, Хитой ва Европа цивилизацияларида ҳам шундай нормалар истифода этилган. Бу ҳақида турли манбалар хабар беради [1:223, 148].

Ислом халқаро ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти у ислом диний эътиқоди билан пайдо бўлган эди. Бу эътиқодни ёйиш ва универсаллаштириш исломнинг ўша пайтдаги асосий мақсади экан, жиҳод урушлари ёғдусида ислом халқаро ҳуқуқи хусусида уруш ҳаракатларини олиб бориш ва қўлга киритилган ўлжаларни тақсимлаш қоидаларининг мажмуаси шаклидаги дастлабки тасаввурлар ҳам пайдо бўлган. Бироқ, кейинчалик урушларнинг ниҳояси кўрингач, бошқа миллатлар билан тинчлик ҳолатида ҳамжиҳат бўлиб бирга яшаш ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш зарурати ойдинлашиб борган. Мазкур омил ҳам сиярнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатган, албатта.

Айни пайтда, ислом халқаро ҳуқуқини ислом ҳуқуқидан бутунлай ажратиб олиш

мумкин эмас. У ислом ҳуқуқининг халқаро миқёсга ёйилган нормалари холос, деган қарашлар ҳам бугунгача яшаб келмоқда.

Ислом халқаро ҳуқуқи ва таълимотининг келиб чиқиши барча ҳуқуқий тизимлардаги каби миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро муносабатларига баҳо берувчи монистик ва дуалистик назарияларга бориб тақалади. Фақат шуни эътиборга олиш керакки, замонавий монистик ва дуалистик назариялар халқаро ҳуқуқнинг ички миллий ҳуқуққа тўғридан-тўғри (монистик) ёки билвосита (дуалистик) татбиқ этилиши хусусида баҳс юритса, ислом ҳуқуқида эса, аксинча, шариат нормалари халқаро алоқалар тизимида, яъни мусулмонларнинг мусулмон бўлмаган кишилар, жамоалар ёки давлатлар билан кечадиган муносабатларига қандай тартибда (тўғридан-тўғри ёки билвосита) татбиқ этилиши борасида мунозара қилишган. Фикримизча, айнан ислом ҳуқуқидаги дуалистик ёндашув ислом халқаро ҳуқуқи ва таълимотининг вужудга келишига олиб келган.

Ислом халқаро ҳуқуқи ислом ҳуқуқининг ажралмас узвий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ислом ҳуқуқининг анъанавий манбалари, айни пайтда, халқаро ислом ҳуқуқининг ҳам умумий манбаларидир. Бунинг маъноси шуки, ислом ҳуқуқи манбалари ислом халқаро ҳуқуқ манбалари билан уйғундир. Унинг айни бир манбаси айни бир вақтда ислом халқаро ҳуқуқининг ҳам манбаси бўла олади. Бундан, монистик қараш тарафдорлари бўлган ислом ҳуқуқшунослари шундай хулосага келади: исломда ички давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ қоидалари ўзаро фарқланмайди. Масалан, мутаносиблик (пропорционаллик) тамойили ислом жиноят ҳуқуқида “жиноятга тенг жазо” формуласи остида қўлланилса, халқаро ҳуқуқда душман ҳужуми кўламига мос бўлган мудофаа воситаларидан фойдаланиш маъносида истифода этилади. Бироқ, шариатнинг барча нормалари ҳам ташқи сиёсат ва халқаро-ҳуқуқий муносабатларда тўғридан-тўғри татбиқ этилавермайди, чунки халқаро-ҳуқуқий амалиёт ички ҳуқуқдан фарқ қилувчи жиҳатларга эга. Шу маънода дуалистик қараш тарафдорлари ўз ғояларини илгари суради. Мазкур ғояларга асосланган ислом халқаро ҳуқуқ таълимоти дунёвий ишларни илоҳий ва ички ишлар қобиғидан алоҳида ажратиб олади ва бу

соҳадаги масалаларга жавобан ақлий мушоҳада усули билан рационал ҳукмлар ҳосил қилиш изидан боради. Бу соҳада ҳанафий мазҳаби бошқа мазҳаблар ва мактаблар учун пешқадам ва намуна бўла олган. XI асрда яшаб ижод қилган ҳамюртимиз Муҳаммад ибн Аҳмад Аби Саҳл Абу Бакр Шамсул-Аимма ас-Сарахсий бу соҳада улкан ҳисса қўшган алломадир. Лекин унинг хизматлари ҳозирга қадар муносиб тақдирлангани ва эътироф этилгани йўқ.

Ислом халқаро ҳуқуқи ва таълимотининг ривожланиш тадрижи ислом ҳуқуқи ва ҳуқуқшунослигининг ривожланиш босқичлари билан ҳамохангликда қаралиши мумкин. Ислом ҳуқуқи манбаларининг шаклланиши ва кенгайиб бориши ислом ҳуқуқининг ривожланиб боришининг белгисидир. Манбалар туркумининг кенгайиши ва уларнинг маҳаллий одатлар билан уйғунлашуви жойларда юзага чиқаётган ҳуқуқий муаммоларга тезкор ечим топишга имкон берарди. Шу ўринда ислом ҳуқуқининг ривожланиш даврини турли мезонлар асосида турлича даврийлаштириш мумкин. Баъзи ҳуқуқшунослар норма ижодкорлиги – ижтиҳод субъектлари ва табиатига кўра уни 6 та босқичга ажратишади: Пайғамбар даври (610-632 йй.), саҳобалар даври (тахминан 632-700 йй.), тобиинлар даври (VIII аср), мужтаҳидлар даври (IX-XI аср), мухаррижлар даври (тахминан XII аср) ва мукаллидлар даври (XII асрдан кейинги давр) [2:55].

Ҳозирда кўпчилик ҳуқуқшунослар томонидан қабул қилинган мезонга кўра, ислом ҳуқуқи тарихи уч даврга бўлиб ўрганилади: ислом ҳуқуқининг шаклланиш даври (*formative period*) – ҳижрий 150-261 (милодий 767-874), мумтоз даври (*classical period*) – ҳижрий 300-1213 (милодий 912-1789 йиллар) ва янги даври (*modern period*) – XIX асрдан, яъни 1800 йилдан ҳозирги кунгача [3:2].

Ислом ҳуқуқи ва ислом халқаро ҳуқуқ таълимотида макон омилини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим. Айнан макон омили, яъни маҳаллий шарт-шароитлар ислом ҳуқуқида турли мазҳабларнинг пайдо бўлишига туртки берган. Ҳижрий III асрда (милодий X аср бошида) суннийлик йўналишдаги мактаблар сараланиб, улардан фақат 4 таси асосий мазҳаб сифатида қолди. Кўпинча, мактаблар орасидаги фарқланиш жуғрофий ёки

макон омили билан изоҳланади, ва бу бизнинг назаримизда тўғридир, чунки ҳуқуқнинг моддий манбаларидаги фарқлар формал манбаларнинг фарқланишига ҳам замин яратади. Халифалик юрисдикцияси остидаги маҳаллий жойлардаги жамоаларнинг яшаш ва тафаккур тарзи, одат ҳуқуқи ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ўзига хосликлар мазҳаблар орасидаги фарқланишга асос яратди, бироқ мактаблар орасида ҳукмлар ҳосил қилиш соҳасида умумлашган асосий тамойиллар ва услубларда зиддият сезилмаган [4:43].

Барча мактаблар ва, кейинчалик, уларнинг негизида пайдо бўлган мазҳаблар амалда ақлий мушоҳадани ҳукмлар ҳосил қилиш методи сифатида эътироф этишар, бироқ бу эътирофнинг ўлчами ва қўлланиш даражаси ҳамда камровидагина фарқланиш сезилар эди, холос. Аммо, вақтлар ўтиши билан бу фарқланиш борган сари кучайиб борди, ва охиروқибатда юридик маънодаги фарқланишни келтириб чиқара бошлади.

Ақлий мушоҳада эркин тафаккур майдонини яратди, фикрлар хилма-хиллиги эса ҳуқуқ мактабларининг кўпайиши ва ривожланишига туртки берган Ҳар бир мактаб макон ва замон зайли остида ўз ривожланиш йўлидан кетган. Бироқ, бу ҳолат табиий жараён сифатида қабул қилинган. Йўллар бошқа-бошқа бўлса-да, ҳаммаси битта ҳақиқатга олиб боради, деб ҳисоблашган.

Ислом халқаро ҳуқуқи ва унинг таълимоти тарихи ислом давлатчилиқ тарихи билан узвийликда тавсиф этилади. Исломда илк давлат 622 йилда Мадинадаги 30 дан ортиқ қабилаларнинг келишуви натижасида пайдо бўлган ва унинг асосчиси Муҳаммад (с.а.в) томонидан давлат бошқарув ишлари юритилган. Бундан келиб чиқадики, биринчи мусулмон давлат – бу халқаро келишув натижаси эди. Кейинчалик, унинг сарҳадлари кенгайиб бориши асносида бошқа давлатлар ва ўз ҳудудида вақтинча ёки доимий истиқомат қилаётган номусулмон жамоалар билан алоқалар олиб бориш эҳтиёжи туғилган. Ўз-ўзидан ислом халқаро ҳуқуқига зарурат юзага кела бошлаган.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг Мадинадаги 10 йиллик ҳаёти даври (622-633 йй.)да илк ислом давлатчилиги билан бирга ислом халқаро ҳуқуқи шакллана борди.

Шубҳасиз, ислом халқаро ҳуқуқининг пайдо бўлиши Пайғамбар (с.а.в.)нинг Мадинадаги ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳақиқатдан ҳам ўша пайтлардаёқ “халқаро” ва “ҳуқуқ” табиатига эга халқаро ҳуқуққа мусулмонлар томонидан асос солинган [5:107].

Марказлашган халифалик (632-750 йй.) даврида ислом давлатининг Арабистон яриморотида мустаҳкамланиши ва қўшни ҳудудларга ёйилиши катта муваффақият билан амалга оширилди. Ислом ҳуқуқининг бирламчи манбалари шаклланди ва улар, айти пайтда, ислом халқаро ҳуқуқининг манбалари сифатида ҳам кўриниш берди.

Милодий 750 йилда ҳокимиятга келган Аббосийлар “Ислом уйғониш даври”ни бошлаб берди. Ислом давлатининг муваффақиятли марказлашуви ислом дини ва қадриятларининг универсаллашуви тўғрисидаги ҳиссиётларга туртки берди. Эътибор бериш лозимки, бу даврда ислом давлатининг ўзи универсалликка даъво қилмаган, балки ислом дини эътиқод сифатида универсалликка бел боғлаган. Бунинг маъноси шуки, ислом дунёсининг чегараси ислом давлати чегарасидан кенгроқ бўлиши, ислом сиёсий мафкура сифатида эмас, балки диний ва маънавий қадрият сифатида бошқа ҳудудларга ёйилиши муҳимроқ эди ва, бизнинг назаримизда, ҳозир ҳам шундай.

X асрда, яъни Аббосийлар даврининг учинчи юз йиллигида номарказлашув жараёни ва ислом дунёси ичида тарқоқланиш даври бошланди. Шундай вазиятда халифалик тақдири билан боғлиқ икки хил назария кун тартибига чиқди. Улардан бири – халифалик ҳокимиятининг монистик доктринаси бўлиб, унга кўра, ислом оламида ягона Аллоҳ, битта дин, битта шарият ва унга бўйсинадиган битта бошқарув бўлиши керак эди. Иккинчи назарияга кўра, мадомики, Аллоҳнинг иродаси билан ер усти ҳудудлари сувликлар билан бўлиб ташланган экан, демак, ҳудудларни бўлиб-бўлиб, ягона эътиқод ва шарият остида алоҳида-алоҳида давлат ва мамлакат шаклида бошқариш мумкин, деб ҳисобланган.

Дарҳақиқат, ўша пайтда Аббосийларнинг марказий ҳокимияти заифлашиб борар ва кучли маҳаллий ҳукмдорлар пайдо бўлган эди. Бундай шароитда монистик марказлашган ҳокимият назарияси амалда воқеаликка тўғри келмас эди. Шу боис, уни замон тенденциясига

мослаштирувчи яна бир келиштирувчи (компромистик) назария пайдо бўлди. Унга кўра, Аббосийлар маҳаллий ҳукмдорларга ўз ташаббуси билан ҳокимиятни тайинлов йўли билан топшириб, уларга сиёсий ирода ва эркинлик бериш орқали халифаликка боғлаб туриш ва, шу орқали, халифаликнинг рамзий бирлигини сақлаб қолиш мумкин эди. Шофийий мазҳаби ҳуқуқшуноси ал-Мавардий (974-1058 йй.) асарларида (масалан, “*Китаб ал-Аҳкам ал-Султания*”да) шундай қараш акс эттирилган. Амалда воқеалар худди шу тахлит ривожланди: Хуросон, Мовароуннаҳр, Миср, Туркия ва бошқа ҳудудларда мустақил ҳукмдорлар пайдо бўлди.

Бу даврнинг яна бир ўзига хос хусусияти ислом дунёсининг насронийлар билан муносабатларида, Дон Хуан Мануэль (*Don Juan Manuel*) таъбири билан айтганда, “совуқ уруш” (“*Guerra fria*”) даври бошланган эди [6:67, 22]. Насронийлар билан тинчлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари, кейинчалик, орадан беш аср ўтгач, XVI асрга келибгина қарор топди.

XVI асрда ислом дунёси халқаро муносабатларида бошқа дунё ва тамаддунлар билан тинч-тотув яшаш концепцияси узул-кесил қабул қилинди. Бироқ, бу кўпроқ сиёсий характердаги концепция эди, холос. Исломнинг бошқа дунё билан иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларини тартибга солувчи нормалари илк ислом давридаёқ шаклана борган.

Шундай қилиб, X-XV асрлар оралиғида халқаро муносабатлар тизимида бир қатор янги тенденциялар кузатила бошланди. Улардан **биринчиси** – ислом дунёсининг бошқа диндаги давлатлар ва жамоалар билан доимий уруш ҳолатида бўлиши эскирган таълимотга айлангани ҳис этилди. Ҳамкорлар ва иттифоқчилар, эндиликда, диний мезонга қараб танланмайдиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, ташқи алоқалар диний ақидалар сиғимидан халос бўлди. Ташқи алоқаларда замон ва макон омилларини эътиборга олган ҳолда теран прагматик ёндашув қарор топди.

Мусулмон давлатлар ва жамоалар аста-секин бошқа миллатлар билан тинч-тотув ва баҳамжиҳатликда яшашга интилиб бордилар, бошқа миллатлар билан тинчлик ёки ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномалар сони орта борди ва бу доимий тусга кирди.

Иккинчи муҳим ўзгариш – ҳуқуқ таълимоти ва амалиётида рўй берди. Эндиликда, ислом ҳуқуқи юрисдикциясини диний эътиқод мансублигига қараб эмас, балки ҳанафий мазҳаб асосчилари – Абу Ҳанифа ва Муҳаммад Шайбоний айтганидек, ҳудудий чегараланиш тамойилига қараб белгилаш қабул қилинди. Қарерда мусулмонлар бор экан, ўша ерда ислом ҳуқуқи амал қилиши керак, деган тамойил ўзининг мазмун-моҳиятини йўқотди. Жумладан, мусулмон савдогарлар бошқа дин вакиллари истиқомат қиладиган “дар ал-ҳарб”га борган пайтлари ўша ҳудуднинг қонун-қоидаларига риоя этишган, мумкин бўлган ҳолатларда, ислом ҳуқуқига ҳам амал қилишган. Ўта муҳим масалаларда, масалан, эътиқод билан боғлиқ муносабатларда нормалар коллизияси вужудга келсагина, исломга бўйсиниш буюрилган.

Учинчи ўзгариш геосиёсий хилма-хилликнинг шаклланиши билан ҳамоҳангликда кечди. Айниқса, сўнгги ўрта асрларда, ислом дунёсида парчаланиш ва диний-сиёсий оқимларга кескин бўлиниш (сунна ва шиа) содир бўлди. Эндиликда, нафақат ислом давлатининг мусулмон бўлмаган субъектларга нисбатан алоқалари, балки ислом давлатлари орасидаги алоқаларни қандай бошқариш керак, деган саволлар ўртага чиқди. Диний бўлинишлар, баъзан, этник гуруҳланиш билан қўшилиб кетди. Ислон дунёсида араб, форс, туркий блоклар пайдо бўлди.

Шу ва бошқа омиллар натижасида ислом ташқи алоқаларини дунёвий асосга ўтказиш жараёни бошланди. Диний тамойиллар, асосан, ички сиёсатни тартибга солишга қаратилди, ташқи алоқалар тизимига эса дунёвий қоидалар ва тамойиллар кириб келди.

Айни пайтда халқаро алоқаларнинг асосий сахнаси Европага кўчди. Жадаллашган халқаро муносабатлар ғарб халқаро алоқалари тизими ва халқаро ҳуқуқ тизимининг шаклланишига кучли туртки берди. Халқаро ҳуқуқнинг янги дунёвийлашган тизими шакллана бошлади.

“Ҳукмдорларнинг дини улар томонидан бошқариладиганлар динини жорий этишдир” (лотинчада “*Cuius region, eius religio*”) – тамойилига кўра, диний ишлар ички сиёсат объектига айланди ва ҳукмдорларнинг ички сиёсати, деб қарала бошлади. 1555 йил 25 сентябрдаги Аугсбург тинчлик сулҳи шартномаси мазкур принципни расмийлаштирди ҳамда

католик ва протестантлар ўртасидаги асрий урушга барҳам берди. Аугсбург тинчлик сулҳи шартномаси принципи 1648 йилдаги Вестфалия сулҳ шартномаси принципи сифатида янада мустаҳкамланди. Унинг маъноси ва аҳамияти шундаки, дин ишлари эндиликда ички сиёсат объекти бўлиб, ташқи сиёсат унинг таъсиридан ҳолидир. Бу принцип ва унинг асосидаги ёндашув дастлаб Европа давлатларини, кейинроқ, бошқа минтақа давлатларининг ташқи алоқаларини мувофиқлаштириш ҳамда бу соҳада ҳамкорлик қилиш имконини кенгайтирди.

Ислон давлатлари ташқи алоқалари ҳуқуқининг техник қоидалари ҳам ўзгариб борди. Тинчлик сулҳ шартномалари аввалгидек 10 йил муддатга эмас, балки чекланмаган муддатга тузиладиган бўлди. Масалан, 1535 йилда Усманий ҳукмдор Султон Сулаймон ва Франция кироли Франсис I ўртасидаги тинчлик шартномаси “уларнинг ҳаёти охирига қадар” амал қилиш муддати билан тузилган эди ва унинг I-моддаси “ҳақиқий ва мустаҳкам тинчлик” ўрнатишни белгилайди. Шунингдек, битимда шартнома субъектларига ўз ҳудудларида ўзаролик принципи асосида турли ҳуқуқ ва имтиёзлар берилиши назарда тутилган эди [7:15-21].

Ўрта асрларнинг охириги босқичларида насроний ёки ғарб ҳамжамияти Европадаги қудратли ислом давлати – Туркия билан турли даражадаги алоқаларга киришган ва, шу аснода, мазкур мусулмон давлати ғарб халқаро алоқаларининг таркибий қисми сифатида кўрила бошлади. 1856 йил 30 мартдаги Париж Тинчлик шартномасига Туркиянинг таклиф этилиши шундан далолат беради. Бунинг аҳамияти шундаки, қудратли ислом давлати Европа ҳамжамиятининг аъзоси ва, айни пайтда, ғарб халқаро алоқаларининг объекти эмас, балки субъекти сифатида эътироф этилган эди.

Кейинчалик мустамлакачилик урушлари оқибатида ислом давлатлари халқаро ҳуқуқнинг объектига айланиб қолдилар. Халқаро алоқалар ва халқаро ҳуқуқ бутунлай ғарб концепциясининг таъсири остига ривожланди.

II жаҳон урушдан кейингина мустиқил ислом давлатларининг пайдо бўлиши халқаро ислом ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқнинг тизимости ёки жуда бўлмаса ҳудудий бўғинига айлантириш

кайфиятини уйғотган, бироқ бу даврга келиб аллақачон бутунлай универсаллашиб кетган ғарб халқаро ҳуқуқи бунга зарурат қолдирмаган.

Албатта, халқаро алоқаларда ислом қадриятларини ёйиш ва унинг негизида халқаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида ҳаракатлар ҳам намоён бўлган. Масалан, XIX асрда пан-исломизм ҳаракати пайдо бўлди ва бу ҳаракат алоҳида ислом халқаро алоқалари тизимини яратишни кўзлаган эди. II Жаҳон урушидан кейинги даврда мўътадиллашган янги пан-исломизм ҳаракати вужудга келди. Бу ҳаракат эндиликда ислом давлатлари орасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни мақсад қилади.

ХУЛОСА

Ислом халқаро ҳуқуқи ҳам таълимот, ҳам ҳуқуқ амалиёти сифатида ислом қадриятлари негизида шаклланди ва салкам 1000 йил давомида минтақаости ҳуқуқий тизими сифатида амал қилиб келди. Унинг шаклланиш ва ривожланиш даврида замон ва макон талаблари ҳамда ички ва ташқи омиллар таъсирида турли тенденциялар кузатилди. Ислом халқаро ҳуқуқи ислом ички ҳуқуқига нисбатан мослашувчан ва эгилувчан характерни намоён этди. Универсаллашган халқаро ҳуқуқнинг шаклланиши натижасида ислом халқаро ҳуқуқи рад этилмади, балки у замонавий халқаро ҳуқуқнинг ичига моддий сингиб кетди. Ислом халқаро ҳуқуқининг бир қатор тамойиллари, принциплари ва қоидалари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг формал манбалари таркибига киритилган ёки шунга ўхшаш нормалари билан узвийликда умумий шакл касб этган.

Хусусан, ислом халқаро ҳуқуқи ва таълимотининг аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

биринчидан, Ислом халқаро ҳуқуқи ва таълимоти фақат исломий эмас, балки умуминсоний қадриятлар негизида ривожланиб борди. У тараққийпарвар умумбашарий ғояларга очиқликни намоён эди, ва шу туфайли, диний-ақидавий биқикликни рад этиб, макон ва замон ўлчамларида беқиёс ҳаётчанлик касб этди. Ислом халқаро ҳуқуқ таълимоти энг илғор тажрибаларни ўзлаштирибгина қолмай, унинг ўзи ҳам халқаро ҳуқуқий таълимот ва амалиёт раўнақига ҳисса қўшди.

Айрим манбаларда мумтоз рим ҳуқуқининг ҳам ислом ҳуқуқи манбаси эканлиги айтилади.

Уммавийлар пойтахтни Сурияга кўчиришидан олдин бу ҳудудда греклар ва римликлар яшаган, маҳаллий аҳоли рим ҳуқуқини қабул қилишган эди. Кейинчалик, рим ҳуқуқи суриялик маҳаллий аҳолининг одат ҳуқуқи шаклида исломга кириб келган. Ҳомийлик, васийлик институтларининг фаолиятида бу ҳолат ўзининг айрим жиҳатларини намоён этади [8:1-36];

Иккинчидан, ислом ҳуқуқи ўрта асрларда роман-герман ҳуқуқи ривож ва ғарб халқаро ҳуқуқи таълимотининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Ғарб халқаро ҳуқуқига асос солган Франсиско де Витория (*De Indis*, 1532), Альберико Жентили (*De jure belli commentationes tres*, 1589), Пьер Бейль (*Dictionnaire Historique et Critique*, 1696), Бальтазар Айяла (*De jure et officiis bellicis et disciplina militari*, 1582) каби олимлар ислом таъсирида бўлган Испания ва Италиядан келиб чиққан эдилар [9:32-43]. Исломдан кўп нарсалар ўрганган асли Голландиялик Гуго Гроций (*De jure Belli ac pacis libri tres*, 1625)нинг илмий қарашлари айнан мана шу олимларнинг таъсирида шаклланди [10:422]. Айниқса, Гуго Гроций халқаро уммавий ҳуқуқнинг кўпгина масалаларини ёритишда Франсиско де Витория ва Альберико Жентили асарларига мурожаат қилади, уларнинг фикрларига асосланади.

Халқаро ҳуқуқ айнан мусулмон ва насроний дунёсининг ўзаро алоқаларида ривож топиб борди. 1571 йилдаги Лепанто жангидаги мағлубият Усмонийлар империясининг денгиздаги яққа ҳукмронлигига барҳам берди. Эндиликда, тенглик принципига асосланган халқаро шартномалар ҳуқуқи ривожлана бошлади. Ўртаер денгизи ҳавзасида, Иберия ярим оролида мусулмон-насроний шартнома ҳуқуқи амалиёти кўзга ташланади. Янги даврнинг бошларида халқаро шартномалар ҳуқуқида ислом ҳуқуқининг яққол таъсири кузатилади [11].

Ислом дунёси ва тамаддуни, ислом давлатлари ва мусулмон мамлакатлари мавжуд экан, уларнинг халқаро алоқаларини юритишда ислом қадриятларини ўзида жо этувчи ислом халқаро ҳуқуқи ва унинг таълимоти бугун ва келажакда ҳам ўз аҳамияти сақлаб қолаверади.

Таълимот сифатида ислом халқаро ҳуқуқи ўтмиш ва бугунги кундаги инсоният тафаккурининг ажралмас ва бебаҳо қисмидир. Унинг манбалари ислом динининг

мўътабар манбаларидан ибтидо олади ҳамда умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этади. Бу таълимот юксалиш ва ривожланишдан ҳеч қачон тўхтаган эмас.

Ислом ўз моҳиятига кўра илм-фанни тарғиб қилувчи ва улуғловчи диндир. Илм туфайли кишиларнинг жаҳолатдан халос бўлиб, маърифий жамият қура олишлари исломда яққол баён этилган. Ислом ҳамма даврларда, айниқса, “Ислом Уйғониш даври”да барча фанларнинг, жумладан, ислом халқаро ҳуқуқ фанининг равнақиға замин яратган ва ҳомийлик қилган. Шу боис, бошқа фанлар каби ислом халқаро ҳуқуқ фанига илк ислом давридаёқ асос солинди. Араб ва ажам мамлакатларининг вакиллари, жумладан, Марказий Осиёлик ҳуқуқшунос мутафаккирлар ўз таълимотлари билан унинг равожига улкан ҳисса қўшиб бордилар.

Жумладан, ватандошимиз Муҳаммад ибн Аҳмад Аби Саҳл Абу Бақр Шамсул-Аимма ас-Сарахсийнинг халқаро ҳуқуққа оид қомусий асари “Шарҳ ал-Сияр ал-Кабир” жаҳон халқаро-ҳуқуқий таълимотининг алифбоси, ислом халқаро ҳуқуқ концепциясининг таянч қўлланмасидир. Мазкур асар Муҳаммад Шайбонийнинг “Сияр ал-Кабир” асарига ёзилган шарҳ сифатида Ўзбекистоннинг кўҳна Фарғона тупроғида яратилган. Имом Сарахсий асарларида халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари ва тамойиллари, деярли барча соҳалари ва мавзулари, категориялари ва институтлари ўз аксини топган.

Сарахсийнинг ислом халқаро ҳуқуқиға қўшган ҳиссаси ва бетакрор хизматлари учун улуғ мутафаккирга “Ислом дунёсининг Гуго Гроцийси” (инглизчада “Hugo Grotius of Islam”) деб лақаб беришган.

Кўриниб турганидек, ислом маданияти ва илм-фанининг барча соҳалари каби, ислом халқаро ҳуқуқ таълимотининг ривожланишида ҳам Марказий Осиёлик, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод этган улуғ алломаларнинг бетакрор хизмати бор. Афсуски, уларнинг мероси, айниқса, халқаро ҳуқуқ соҳасида, ҳозиргача тўлиқ ўрганилган эмас.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Bandyopadhyay P. International Law and Custom in Ancient India. Calcutta, 1920; Viswanatha S.V. International Law in Ancient India. London 1925. Tchoan-Pao Sin. Les droits des gens et le Chine antique. – Paris, 1926.
2. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиғи, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари (Масъул муҳаррирлар: А.Х.Саидов, А.Мансур). – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2002. – 256 б.
3. Arabi, Oussama, Powers, David Stephan; Spectorsky, Susan A. (Susan Ann). Islamic legal thought: a compendium of Muslim jurists [electronic resource], 2014, Leiden, Netherlands: Brill online resource (606 pages). 1 online resource provided by Oxford university and Bodleian Library.
4. Khadduri, Majid. The Islamic Law of Nations: Shaybani’s Siyar. – Baltimore: Johns Hopkins Press, 1996; xviii, 311 pp.; in English **translated from** Arabic with Translator’s introduction of 75 pages.
5. Hamidullah, Muhammad. The emergence of Islam: lectures on the development of Islamic world-view, intellectual tradition and polity. 1st ed., Islamabad: Islamic Research Institute in collaboration with Da’wah Academy, International Islamic University, 1993, xiv, 286 p.
6. Бу ерда тилға олинаётган мусулмон ва насронийлар ўртасидаги “совуқ уруш” атамаси XIII асрда яшаган Испания шахзодаси Дон Хуан Мануэлға тегишли бўлиб, у “Hot War” – “қайноқ уруш” деганда тинчлик йўли билан қарор топадиган урушни, яъни ечими бор урушни, “Cold War” – “совуқ уруш” деганда эса тинчлик сулҳиға олиб келмайдиган, ечими ва натижаси кўринмайдиган урушни назарда тутган. Батафсил маълумот учун қаранг: Luis Garcia Arias. El Concepto de Guerra y la Denominade “Guerra Fria”. Zaragoza, 1957. – P. 67.; Khadduri, Majid. The Islamic Law of Nations: Shaybani’s Siyar. – Baltimore: Johns Hopkins Press, 1996; xviii, 311 p.; in English **translated from** Arabic.
7. Шартнома матни учун қаранг: Baron I.de Testa. Recueil des traités de la porte Ottamane. Paris, 1864. – Vol.I.
8. Hallaq, Wael B. Law and legal theory in classical and medieval Islam. – Aldershot, Burlington USA: Ashgate Publishing Ltd, 1994. – 330 pp.
9. James Brown Scott. The Spanish Origin of International Law: Francisco de Vitoria and His Law of Nations. London: Humphrey Milford, 1934.
10. Rahman I. Doi. Shari’ah the Islamic Law. – TaHa Publishers, London, UK, 1984/1404. – 484 pp.
11. Richard Potz. Islam and Islamic Law in European Legal History. Original in German, displayed in English, Published: 2011-11-21 at: ieg-ego.eu/en/threads/models-and-stereotypes/from-the-turkish-menace-to-orientalism/richard-potz-islam-and-islamic-law-in-european-legal-history#InsertNoteID_13.